



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 12 (14)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 12-son 2025 yil*

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

12

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан.....	7
Tursunov A.M. Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли.	18
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari.....	21
Axunov M.A. Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar.....	24
Исраилова Д.К. “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида.....	28
Шокирова Г.М. Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга.....	33
Vaxtohonova D.N. Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta’siri.....	36
Xasanova X.F. Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi.....	41
Бегимова Д.К. Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане.....	45
Mirzayev B.S. CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta’siri: imkoniyatlar va xatarlar....	50
Mirzarahimova A.A. Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari.....	53
Азимов О.Т. Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил.....	56
Халмирзаев А.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	62
Шоабдурахимова М.М. Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан).....	68
Xolmuratov O.T. Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi.....	72
Yarashev M.O., Nabieva S.A. Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari.....	76
Кабилова К. Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили.....	80
Махмудова С. Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари.....	85
Захидова Ш.Ш. Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш.....	89
Saidaxmedov N.X. Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	97
Усманова С.С. Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях.....	100
Madrahimov U.A. Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari.....	104
Джалилов Д.А. Капиталнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш.....	108
Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы.....	111
Mahmudov Sh.N. Location and development of industrial sectors in the regions.....	115
Ustadjalilov D.R. O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga.....	119
Гайбуллаев Ф. Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!.....	125
Abdurazakova F.D., Normurodov X.E. Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash.....	129
Muxtarov M.M. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar.....	136
Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H. Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili.....	140

Rahmatova N.A., Mustafayeva H. O‘zbekistonda pensiya ta‘minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari.....	147
Ахмедов Х. Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови.	154
Boboyev A.Ch. Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari.....	159
Исраилов З.А. Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил.....	165
Ikromov A.Sh. Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari.....	169
Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш. Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари.....	175
Elmurodov Sh.Sh. A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security.....	183
Axmadjonov S.S. Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari.....	188
Sabirova Z.U. Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv.....	192
Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R. Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	197
Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х. Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития.....	203
Zoxidov T.M. Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari.....	211
Nabiyeva N.M. Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish.....	216
Sharofiddinov Sh.U. Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari.....	221
Nurmatov Z.Sh. O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi.....	225
Содиқов А.М., Зокиров С.С. Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси.....	230
Narmanov U., Ikromova S. Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari.....	238
Qutbiddinov A.B. Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari.....	241
Qayumova Sh.S. Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli.....	246
Turebekov A.A. Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili.....	252
Kurbanova M.N., Azizov A.A. Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta‘siri.....	255
Samadova G.S. O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘shishga ta‘siri.....	259
Абдуллаева Р. Инклюзив тadbirkorликнинг моҳияти ва хориж тажрибаси.....	264
To‘uchiyeva B.V. Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi.....	268
Amnah Saeed J Alhindi The role of financial resources in ensuring corporate financial stability.....	272
Fayziyev O.R. O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari.....	276
Алимов Р.А., Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала.....	280
Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X. Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri.....	284
Xaydarov X.U., Raxmonov D.R. 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta‘siri.....	288
Солижонов М.А. Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш....	292
Rejarov X.X. Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari.....	297

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Abdurahmonov, O. — Aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy boshqaruvi — Toshkent: Iqtisodiyot nashriyoti, 2020, bet 45-78.
2. Karimov, S. — Korporativ moliya va investitsiyalar — Toshkent: Moliyaviy nashr, 2021, bet 102-145.
3. Islomov, R. — Aksiyadorlik jamiyatlarida samaradorlikni oshirish — Samarqand: Innovatsion nashr, 2019, bet 33-67.
4. Jalilov, A. — Moliyaviy tahlil metodologiyasi — Toshkent: Iqtisodiyot nashriyoti, 2022, bet 56-90.
5. Tashkent Stock Exchange. — Yillik moliyaviy hisobot 2023 — Toshkent: TSE, 2024, bet 12-38.

УДК: 334.025

**ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
АМАЛИЁТИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.**

**АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ МЕР ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ КОРРУПЦИИ
В БИЗНЕС-СЕКТОРЕ.**

**ANALYSIS OF THE CURRENT STATUS OF CORRUPTION PREVENTION IN THE
BUSINESS SECTOR.**

Камола Кабилова

Тошкент Кимё халқаро университети магистранти

Аннотация

Мақолада тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлиллар асосида кенг ёритилган.

Калит сўзлар: коррупция, манфаатлар тўқнашуви, бюрократия, бизнес, тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолияти, коррупциявий омиллар.

В статье представлен всесторонний анализ текущего состояния практики предотвращения коррупции в предпринимательской деятельности.

Ключевые слова: коррупция, бюрократия, бизнес, предпринимательство, предпринимательская деятельность, факторы коррупции.

The article presents a comprehensive analysis of the current state of practice of preventing corruption in business activities.

Key words: corruption, bureaucracy, business, entrepreneurship, entrepreneurial activity, factors of corruption.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 7 декабрь куни Конституциямизнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида “Коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаймиз”, [1] деб таъкидлаган бўлсалар, 2025 йилнинг 5 март куни коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишдаги нутқида давлатимиз раҳбари: “Коррупция шундай ёвуз иллатки, у халқнинг давлатга, Конституция ва қонунларга ишончига путур етказди, барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун жиддий таҳдидга айланади” [2] деганларида коррупциянинг нақадар хавfli ижтимоий-иқтисодий ҳодиса эканлигини англаймиз.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани жамиятимиз ривожланишида амалий натижаларини бермоқда.

Бугун мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорларни ташвишлантириб келган бюрократик тўсиқлар ва коррупциявий хавфларни аниқлаш ва ечим топиш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тадбиркорлар дуч келаётган қатор муаммолар бўйича ўрганишлар ўтказилди. Қонун ижодкорлиги жараёнида қонунларни коррупция, идоравий манфаатлар ва бюрократик тўсиқлардан тўлиқ холи қилишга эътибор қаратилмоқда. Доимий равишда тадбиркорларни қийнаётган бюрократик тўсиқларни ўрганган ҳолда, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йилнинг 20 август кунини тадбиркорлар билан бешинчи очик мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқида: “Биз ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ сизлар билан ҳамфикр бўлиб, иқтисодиёти қудратли, саноати рақобатбардош, молиявий тизими барқарор, барча соҳалари инвесторлар учун жозибадор бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этишга киришдик. Адолатли ҳакам бўлса айтсин, ўтган саккиз йилда қаттиқ меҳнат ва машаққатлар билан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларини йўқдан бор қилдик. Эътибор беринг, бу даврда турли соҳаларга 230 миллиард доллар инвестиция кириб келди, шундан 120 миллиарддан ортиғи – хорижий сармоя. Бир қарашда айтишга осон бўлган ушбу рақамни олдинлари ҳисоб-китоб қилиш тугул, тасаввур қилиб ҳам бўлмасди. Лекин, биз буни уддаладик. Турли низо ва зиддиятлар туфайли жаҳон иқтисодиёти ғоят мураккаб даврни бошидан ўтказаётган бир вақтда, прагматик ва проактив сиёсатимиз туфайли, бу йил биринчи ярим йилликда иқтисодиётимиз 7,2 фоизга ўсди” [3].

Бугун бемалол айта оламизки, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес “ислохотлар катализатори”га айланди. Буни мамлакатимизда яратилган иқтисодий ва ҳуқуқий имкониятлар яратди. Бугун кичик, ўрта ва катта бизнес вакилларига мотивация, илҳом берадиган шиорлар илгари сурилди: “Янги Ўзбекистон тараққиётини, истиқболини таъминлайдиган куч бу – тадбиркорлар”, “Давлатимизни бой қиладиган куч бу – тадбиркорлар”, “Халқимиз, оилалар ҳаётини фаровон қиладиган куч бу – тадбиркорлар” [3].

Бироқ, қайд этиш керакки, жаҳон иқтисодиёти, глобал бизнес архитектураси кун сайин ўзгариб, олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Профессор Н. Х. Жумаев таъкидлашича, 2016 йилдаги Ўзбекистон манзараси кўз олдимизда пайдо бўлади: валюта сиёсатидаги қаттиқ назорат, ташқи иқтисодий фаолиятдаги чекловлар, экспортдаги монополия ва инвестиция муҳитидаги турли бюрократик тўсиқлар туфайли иқтисодиёт муайян тўсиқлар ичида қолган эди” [4].

Ўша босқичнинг асосий кўринишлари:

мамлакатнинг ташқи ўзини ўзи яққалаши, қатъий чегара ва савдо тўсиқлари;

иқтисодий турғунлик, эркин валюта конвертацияси йўқлиги;

ҳуқуқ-тартибот идоралари бошбошдоқлиги;

тадбиркорларга босим, тадбиркорлар “сояга” кириб кетди, кўрқув ва тазйиқда фаолият кўрсатганлиги;

солиқ юкининг оғирлиги;

бошқарувдаги бюрократия ва коррупция, монополия ва ёпиқ схемаларнинг авж олганлиги;

ҳаёт, диний соҳадаги тақиқлар ва бошқалар жамиятда тотал цензура ҳукмронлиги;

ҳақиқий бозор иқтисодиётининг ривожламаганлиги;

пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатида шаффофликнинг йўқлиги;

ҳукуматнинг миллий валютани эркин конвертация қилишдан бош тортгани.

Президентимизнинг очик ва прагматик ички ва ташқи сиёсати, ислохотлар йўлидаги қатъий ва дадил қадамлари мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес вакилларига сифат жиҳатидан янги руҳ бағишлади.

Очиғини айтганда, тадбиркорлар авваллари қонун билан белгиланган ҳуқуқларини билса-да, амалда уларнинг ишламаслиги уларнинг ҳафсаласини пир қилган вақтлар бўлган. Тадбиркорлар ўз фаолиятида асоссиз тўсиқларни ҳам, кераксиз ва кети узилмайдиган текширувлар, бозордаги носоғлом рақобатни ҳам кўрган. Чунки яқин тарихимизда исталган турдаги текширув сабаб ишлаб турган тадбиркорнинг фаолияти тўхтатиб қўйилган ҳолатлар бўлган. Ачинарлиси, текширувлар номаълум сабабларга кўра ойлаб давом этиши ортидан моддий зарар кўрган, фаолиятини қайта тиклолмай қолган тадбиркорлар қанча. Авваллари ўтказилган текширувларнинг кўпи сабаб ва мақсадсиз бўлгани, режа асосида ҳар 3-4 йилда такрорий, фақатгина тадбиркорни ортиқча қийнашга қаратилганини кўпчилик яхши эслайди. Тадбиркорларни доим қийнаб келган яна бир масала лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларнинг ниҳоятда кўплиги ҳамда мураккаблиги эди.

Қаерда қонун устувор бўлса, ўша ерда бизнес ривожланади, инвестиция муҳити жозибатор бўлади. Бугун эса эски ёндошувларнинг акси — янги таҳрирдаги Конституциянинг амалдаги кафолатларни тадбиркорлар ўз ҳаётида, фаолиятида ҳис этмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 67-моддасида: “Давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратади”, “Давлат тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди”, “Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли”, [5] дейилади.

Ҳозир тадбиркорлик фаолияти дахлсизлиги қонун билан кафолатланган. Бугун ишбилармон одам ҳар қандай текширув келганида ўз фаолиятини давом эттириш ҳуқуқи борлигини билиши керак. Яъни ҳатто текширув вақтида ҳам тадбиркорнинг фаолиятини чеклаш қонунан тақиқланади. Фақатгина инсон ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Мазкур ҳуқуқ ниҳоятда муҳим. Бугун эса ҳар қандай текширув вақтида, ҳисоб рақами хатланган ҳолатда ҳам ишбилармон ўз фаолиятини давом эттиришга ҳақли, маош, коммунал ва бошқа бирламчи тўловларни амалга ошириши мумкин.

Ҳуқуқий кафолат борасидаги катта ўзгаришлар давлатимиз раҳбарининг ҳар йили тадбиркорлар билан ўтказилиши анъанага айланган очиқ мулоқоти давомида билдирилган таклифлар самараси ҳам, десак муболаға бўлмайди. Масалан, тадбиркорларнинг хусусий мулкни ноқонуний тортиб олишга йўл қўймаслик кафолати. Тўғри, хусусий мулк дахлсизлиги аввалдан бўлган, аммо амалда деярли ишламаган ёки кимларнингдир манфаатига ишлаган, холос. Ҳозир ҳокимлик бўладими, бошқа давлат ташкилоти бўладими, тадбиркорнинг ер участкаси, биноси ёки ускунасини асоссиз тортиб олиш, иш фаолиятини тўхтатиб қўйишга ҳақли эмас. Бордию шундай ҳолатлар юзага келган тақдирда, кўрилган зарарни қоплаб бериш механизми жорий этилган.

Бугун ҳеч бир ташкилот ўзидан ўзи, тадбиркорни шунчаки текширмапти. Айрим талаблар юзага келгандагина текширув белгиланади. Агар тадбиркор тўғри ишлаб, солиқларни ўз вақтида тўлаб, қонундан ташқари ҳаракат қилмаса, ҳеч ким унинг фаолиятига аралашмайди. Бу борада назорат органларининг хавфни баҳолаш тизими самарадорлиги, ўз навбатида, бошқа тадбиркорларни ҳам тўғри ишлашга рағбатлантираётган жуда кучли механизмга айланди.

Бугун тадбиркорнинг ҳуқуқий манфаатлари кафолатланиши фақатгина унинг ишига тўсқинлик йўқолганида эмас, балки қулай ишбилармонлик муҳити яратилганида ҳам намоён бўляпти. Чунки давлат тадбиркорнинг ривожланиши, иш фаолияти давом этиши, бунинг ортидан юрт иқтисодиёти ўсиб боришидан манфаатдор. Шу жиҳатдан бизнес эгаси фаолиятида хатоликка йўл қўйса, айби исботланганда ҳам иқтисодий зарарни қоплаш имконияти берилиб, жиноят иши очмаслик қоидага айланттирилгани ҳам бунинг исботи. Чунки инсонмиз, хато қилишимиз табиий. Тадбиркор доим ҳам юз фоиз салоҳиятга эга бўлмайди, баъзида фаолиятида камчиликларга йўл қўяди. Бундай вақтда хатони тузатишга имкон бериш тадбиркорни янада рағбатлантиради.

Бугун бозорда эркин рақобат муҳити яратилгани барча тадбиркорлар учун кенг йўл очди. Аммо бу истеъмолчилар ҳуқуқларига дахл қилмаслиги керак. Бозор эркин бўлгани сари контрафакт, яъни лицензияланмаган, сифат сертификати мавжуд бўлмаган маҳсулотлар кириб

келиши сезиларли камаймаяпти. Улар сифат назоратини четлаб ўтмоқда, текширувлар йўқлиги эса назоратни бошқариш сустигига олиб келяпти. Шу боис, маҳсулотлар, хусусан, импорт озиқ-овқатлар сифати текширувларини тизимли равишда олиб бориш зарур. Текширув дегани фақат тадбиркорлар фаолиятига дахл қилиш эмас, балки манзилли дастур ҳамда чегараланган миқёсдаги ҳаракатни англатади, бу бевосита истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ жараён.

2025 йилнинг август ойида бизнесни “соя”дан чиқаришни рағбатлантириш бўйича ҳам тадбиркорларга янада қулай шароитларни назарда тутган катта-катта янгиликларни эълон қилинди.

Энди якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 2030 йилгача махсус ҳуқуқий режимни жорий этилади. Бундай тадбиркорлар учун рўйхатдан ўтишдан тортиб, ҳисобот топширишгача бўлган барча хизматларни жамлаган рақамли платформалар яратилади. Бунда тадбиркорлар керакли ҳужжатларни масофавий биометрия ва СМС хабарнома орқали электрон калитсиз имзолаши мумкин. Ишчиларга электрон ҳамён орқали “кунбай”, “соатбай” маош тўлаш имконияти яратилади.

Мамлакатимизда 40 дан зиёд электрон тўлов ташкилотлари мавжуд бўлиб, аҳолимиз ўзига қулай мобиль иловадан фойдаланмоқда. Бу – нақдсиз тўловни рағбатлантириш учун энг яхши инструмент. Энди, 2025 йилнинг 1 ноябридан бошлаб, тадбиркорлар учун барча мобиль тўлов иловалари орқали ҳисоб-китоб қилиш имконини берадиган универсал “Кю-ар” код берилади.

Яна бир янгилик – йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган барча тадбиркорлар 2026 йил 1 январдан бир хил, яъни, оборотидан 1 фоиз солиқ тўлашга ўтказилади. Масалан, ҳозир обороти 100 миллион сўмгача бўлган якка тадбиркор йиллик 12 миллион сўмгача қатъий солиқ ўрнига кўпи билан 1 миллион сўм тўлайди. Ёки обороти 100 миллиондан 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркор айланмадан илгари 30-40 миллион сўм солиқ тўлаган бўлса, энди унинг солиқ юки 3-4 карра камаяди. Бу – кичик бизнес учун кўшимча ресурс, якка тадбиркорлар ўз бизнесини кейинги босқичга олиб чиқиши учун яна бир имконият дегани.

Яна бир янгилик. Маълумки, дунёнинг айрим минтақаларидаги нотинчликлар оқибатида ташқи бозорлардаги тебранишлар, логистикадаги узилишлар экспорт тушумларининг кечикишига олиб келмоқда. Бундай шароитда шундоқ ҳам пули тушмаётган тадбиркорлар муддати ўтган дебитор қарздорлик учун жарима тўлаяпти. Бу масалани жуда кўп тўқимачилик корхоналари ва мева-сабзавот экспортёрлари кўтариб, Президентимиздан енгиллик сўради. Президент Шавкат Мирзиёев муаммонинг ечими барча экспортчи корхоналарга тегишли бўлгани учун 2025 йил 20 август куни очик мулоқотда эълон қилди: “Энди давлат улуши бўлмаган корхоналарга экспортда муддати ўтган қарздорлик учун жарима ҳисоблаш ва ундиришга бир йиллик “мораторий” эълон қилинади” [3].

Ўзбекистонда “оёғида мустаҳкам туриб олган” тадбиркорлар синфи шаклланиб улгурди. Улар шунчаки тадбиркор эмас, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларнинг ривожига катта ҳисса қўшаётган фаол инвесторларга айланмоқда. Шунингдек, анъанавий сармоялар билан бирга венчур, бонд, крауд-фандинг, стартап каби замонавий инвестиция воситалари ҳам жадал ривожланмоқда.

Инвестициявий муносабатларни тартибга солиш, сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга шароитлар яратиш бўйича юзлаб ҳужжатлар бор бўлса-да, эндиликда буларнинг барчасини тўғридан-тўғри амал қиладиган ягона қонунга бирлаштириб, Инвестиция кодексини қабул қилиш чоралари кўрилмоқда. Бу ҳужжат инвестиция соҳасидаги барча қоида, қафолат ва тартиб-таомилларни бир тизимга солиб, инвестицияларни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда аҳоли ва тадбиркорлардан 120 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди, яна шунча лицензия рақамлашди. Биргина 2024 йили 16 турдаги лицензия ва рухсатнома бекор қилингани натижасида тадбиркорларнинг 350 миллиард сўмлик харажатлари тежалди. 2026 йилдан яна 10 турдаги лицензия ва рухсатномаларни бекор қиланадиган бўлди[3]. Хусусан, аудиторлик ташкилотлари, туризм соҳасидаги хунармандлар,

туристик ахборот марказлари, транспорт техник кўригини амалга оширадиган тадбиркорлар хабардор қилиш тартибига ўтказилади. Ҳозирги кунда лицензия, рухсатнома ва хабардор қилиш тартиби бузилса, корхонага ҳам, унинг раҳбарига ҳам жарима қўлланаётган бўлса, энди бундай ҳолатлар учун фақат корхона жарима тўлайди, мансабдор шахс жавобгарлигини эса бошқарув органи мустақил ҳал қилади.

2026 йилдан “Бизнесни 15 дақиқада бошлаш” тамойили асосида тадбиркорлик фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш мумкин бўлади. Бунда тадбиркорни рўйхатдан ўтказиш жараёнининг ўзида электрон рақамли имзо берилади, банкда ҳисобрақам очилади, хоҳишига кўра ижара шартномаси расмийлаштирилади, касса аппарати солиқ органида рўйхатдан ўтказилади, шу йўналишга масъул давлат органларига хабарнома жўнатилади. Натижада бу жараёнлар учун талаб этиладиган муддат ҳозирги 1 ҳафтадан 15 дақиқага қисқаради[3].

Яширин иқтисодиётни қисқартириш борасида 2024 йилда 573 мингта субъект хатловдан ўтказилиб, яширин айланмаларни расмий ҳисоботларда акс эттириш орқали 16 трлн сўм маблағнинг бюджетга ундирилиши таъминланди. Шунингдек, 178 нафар тадбиркор коррупциявий тажовуздан ҳимоя қилинди[6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 11 ноябрдаги ПФ-184-сон Фармони[7] билан тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциявий омилларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги янги механизмлар жорий этилганини қайд этишни лозим топдик:

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишга ваколатли органлар ва уларнинг назорат саволлари рўйхати тасдиқланди ҳамда рўйхатга киритилмаган органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида назорат тадбирлари ўтказиш таъқиқланди;

2025 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувларни “Ягона дарча назорати” ахборот тизимида рўйхатга олиш орқали Бизнес-омбудсманни хабардор этиш тартиби йўлга қўйилди;

“Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими ишга туширилиб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар содир этиш хавфини “паст”, “ўрта” ва “юқори” даражаларда таснифлаш ҳамда хавф даражасига қараб текширув ўтказиш тартиби жорий этилди.

Юқоридагиларнинг барчаси мамлакатимизда ўртача мулкдорлар қатламини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу эса хавфсизлик ва фаровонлик кафолатидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019. – 65–66-бетлар.
2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. <https://www.president.uz/uz/lists/view/7924>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йилнинг 20 август куни тадбиркорлар билан бешинчи очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи. [//https://president.uz/uz/lists/view/8397](https://president.uz/uz/lists/view/8397).
4. Жумаев Н. Х. Янги Ўзбекистоннинг янги иқтисодий воқелиги: инсон учун барпо этилган тизим. <https://parliament.gov.uz/oz/articles/2207>
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.; 2023. -40-б.
6. Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза Ахборот таҳлилий маълумот. //Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2025.-24-25-б:
7. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.11.2024 й., 06/24/184/0954-сон; 11.02.2025 й., 06/25/20/0122-сон; 01.04.2025 й., 06/25/57/0291-сон; 02.06.2025 й., 06/25/90/0486-сон; 08.08.2025 й., 06/25/126/0704-сон; 29.09.2025 й., 06/25/176/0878-сон; 08.11.2025 й., 06/25/207/1023-сон) // <https://lex.uz/uz/docs/7231780>